

«Қуръони Карим мусобақаси 1442» еттичи ҳафта саралаш босқичи яқунланди



09:10 / 20.02.2021 1296

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар: **«Қуръонни маҳорат билан тиловат қилувчи қори улуғ фаришталар билан бир мақомдадир, тили қийналиб тиловат қилувчига эса икки ажр бўлади».**

Бухорий ва Муслим ривояти.

Устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони Карим мусобақаси – 1442» танлови 7-ҳафта саралаш босқичи ўз якунига етди.

Бу галги 7-ҳафта ҳифз йўналиши бўйича энг кучли қориларни танлаб олиш осон кечмади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан жонли эфирда ҳифзи мустаҳкам қорилар саралаб олинди.

Биринчи ўринга 204,5 балл тўплаган Муҳаммадқуб Саидхонов сазовор бўлди.

Абдулносир Абдулмажидов эса 198.5 балл билан 2-ўринни забт этди.

180 балл тўплаган Олимхон Рашидхонов 3-ўринга лойиқ кўрилди. Биринчи ўрин соҳиби Муҳаммадқуб Саидхонов қоидага биноан рамазон ойида бўлиб ўтадиган суперфиналга йўлланмани қўлга киритди. Ғолибларга махсус совға ва сертификатлар топширилди.

«Тиловат» йўналиши бўйича эса мусобақа юксак мақомда бўлиб ўтди. Ўн иштирокчи орасидан аввалги уч ўрин эгалари аниқланди.

Биринчи ўринни олган андижонлик Муҳаммадшокир Насриддинов Раъд сурасининг 19-25 оятларини гўзал тарзда тараннум этди. У 248,25 балл тўплаб, «Ҳидоя» тўплами, Қуръони карим ва Рамазон ойида бўладиган суперфиналга йўлланмани қўлга киритди.

Иккинчи ўринга муваффақ бўлган наманганлик Комилжон Турсунов Анфол сурасининг 15-19 оятларини маромига етказиб қироат қилиб, 230,5 балл олди. Фарғоналик Аброржон Абдуллаев эса Наҳл сурасининг 114-119 оятларини қироат қилиб, 223,25 балл билан учинчи ўринни забт этди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа шартларига киритилган янги тартибга биноан мураттаб қорилар ҳифз йўналишида ҳафта давомида @azonquronbot телеграм манзилида рўйхатдан ўтишлари мумкин. Ҳафта давомида ҳифз йўналишида рўйхатдан ўтган қорилар билан чоршанба куни суҳбат жараёнлари бўлиб ўтади ва иштирокчилар аниқланади. Тиловат йўналиши иштирокчилари эса ҳар душанба куни соат 8:00 дан 13:00 гача рўйхатдан ўтишлари мумкин.